

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

“ Ўзбек тили ва педагогика психология ”кафедраси



РЕФЕРАТ

МАВЗУ: НАВРЎЗНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА
ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ ҲАҚИДА

БАЖАРУВЧИ :

Баракабоев Ахмадали

ТЕКШИРДИ:

Отабоева Зулфия

АНДИЖОН 2016

Р Е Ж А

- 1. НАВРЎЗНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ**
- 2. ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ ҲАҚИДА**
- 3. АЖДОДЛАРИМИЗ БИТИКЛАРИДА НАВРУЗ БАЙРАМИ**

1. НАВРЎЗНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ

Наврўзнинг шаклланиш даври — энг қадимги замонлардан «зардуштийлик»нинг пайдо бўлишигача давом этган асрларни ўз ичига олади.

Ўзбек халқининг алломаларидан бири Абу Райхон Беруний «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Қуёш йили ҳисобида йилнинг биринчи оyi деб саналган Фарвардин oyi тўғрисида сўзлаб: «Бу oйнинг биринчи куни Наврўздир, — дейди. — Наврўз йилнинг биринчи куни бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони англатади. Наврўз эронликлар «зиж»лари бўйича ўтмиш замонларда, улар йилларини кабисали қилган вақтларида Қуёшнинг Саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорга келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан, гуллар очилган, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ўсимлик униб чиқа бошлашдан такомиллашгунча давом этган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган».

Қадим-қадимдан Наврўз холис ниятли кишиларнинг севимли айёми бўлиб келган. Ўша кунларда ҳатто уруш-жанжаллар ҳам тўхталган, гина-қудратлар кечириб юборилган. Шоҳлар эл ичидан энг муносиб кишиларни тақдирлашган, айрим маҳбусларнинг гуноҳидан ўтишган. Бу ҳақда Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонида шундай сатрлар ҳам бор:

Улусга мустаҳиқларни қилиб шод,

Ҳамул дам бандиларни қилди озод.

Баҳор ва янги айём ҳар бир юракдан муҳим жой олган қувончли дамларда кўпчиликнинг «Наврўз қаерда ва қачон пайдо бўлган экан?» — деган саволига «Саодат» журналида эълон қилинган «Онакутининг

саховати» мақоласида бунга асосли жавоб берилган. «Дунёга илк алифбони берган буюк алломаларнинг ватани бўлган, дунёвий фанларга асос солган Хоразм юрти қадимда, ҳатто эрамиздан аввалги мингинчи йилларда Хвайразам деб аталган. Кейинги йилларда олиб борилган археологик ва этнографик изланишлар Наврўз байрами илк бор худди шу заминда Нисо (яъни, аёл шаҳри пойтахти бўлмиш Парфиёна) грек ва Оврупа файласуфлари асарларида Парфияда нишонланганини ашёвий топилмалар тасдиқлади. Бунга Бургут қалъа, Жомбоқ қалъа ва Нисо қўрғонларида бунёд қилинган ва шу кунларгача сақланиб қолган «олов уй»лари яққол мисол бўла олади. Бургут қалъа марказида мовий гумбазли мақбара бўлган. Мақбара меҳробида Онакутининг кўтарилган қўлида Зумрад тош бўлган. Баҳорги тенг кунликда-шамсий ҳисоб билан ҳамал ойининг биринчи куни, ҳозирги тақвимимиз бўйича 22 мартда мақбара гумбазидаги туйнукдан қуёш нури Онакути қўлидаги Зумрад тошига тушиб, сумалак пишириш учун тайёр турган қозоннинг ўтхонасига ўт ёққан».

Аждодларимизнинг уддабуронлигидан, бекиёс илмга эга бўлганлигидан далолат берувчи бу сўзларни ўқиганимизда қалбимиз бир олам шодликка тўлади. Халқимизни инқилобдан олдин саводсиз бўлган, дегувчи баъзи кимсаларга шу сўзларни алоҳида-алоҳида эслатгимиз келади.

Бугун элимизга Наврўзи олам келди. Президент халқимиз истак-хоҳишларини эътиборга олиб, 21 мартни дам олиш куни деб эълон қилди.

Наврўз барча вилоятларнинг шаҳару қишлоқларида, корхоналарида, илм-фан даргоҳларида ўзига хос тарзда ўтказилади. Байрам куни турли хил мусобақалар, қариялар билан мулоқотлар бўлади. Баҳор кўкатларидан тайёрланган нозу неъматлар тортиқ этилади. Барча вилоятларнинг энг истеъдодли ва ёш хонандалари хизматда бўладилар.

Элимизнинг муроду мақсадини куйлаган, юртимизнинг орому осойишини ўйлаган, бутун борлиқ мурувват айлаган, бағрига бениҳоя эзгу муҳаббат жойлаган, ёмонликлар йўлин бойлаган, яхшиликдан дoston сўйлаган, барчани бирдай сийлаган байрамдир бу.

«Бу байрамни баҳори баробар келгувчи, бир хил йиғлаб, бир хилда кулгувчи, мучал йилини билгувчи, урфини ҳурмат қилгувчи талай элу элатлар, мазҳаблару миллатлар янги йил деб нишонлайдилар. «Тўқсон»нинг бахайр ўтганини, яъни «кўк»ка оғизлари етганини айтиб, бир-бири билан омон-омонлашади».

Бу кун косаларга сумалак сузилади. Шоирлар кўнглида шеърлар тизилади:

*Мунисам, келдингми бойчечак тақиб,
Қирларда лоладан гулханлар ёқиб.
Юрагим тўлмоқда пойингга боқиб,
Омон-омонмисан, бормисан ўзинг –
Суюк Наврўзим!*

Бир вақтлар бўлдики, Наврўз эскилик сарқити ҳисобланиб, сумалаклар ағдарилиб, уни таъқиқлаб қўйдилар. Шоир айтганидек:

*Сенга тош отганлар гайрилар эмас,
Эсидан, ҳушидан айрилар эмас,
Ўзларимиз эдик, ўзларимиз бас,
Нетай бир-бирига ёв бўлса кўзим –
Куюк Наврўзим!*

Ва ниҳоят, ўша – арабу мўғул ўчиролмаган, «ўзларимиз» ўзга номга кўчиролмаган, офтобни хира булут яширолмаган кун келди. Бу кун туғида ва ҳақ деганининг кўз қорачиғида келди. Уни кўплар интиқ кутдилар, шоирлари юрак дардларини шеърга тўқдилар:

*Басирлар билурми, тонг отар яқин,
Ғофиллар уйғонур, сен чақсанг чақин,
Не ажаб, болга ҳам тил энса бир кун,*

Кел, аҳли ноқисга тилайлик тўзим,

Буюк Наврўзим!

Буюк аллома Абу Райҳон Беруний ўзининг «Осор ал-боқия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарида шундай баён қилади: “Аббосийлар халифаси ал-Маъмун (810-833 йиларда подшолик қилган) ўзининг яқин кишилари бўлмиш Али ибн Мусо ар-Ризодан «Наврўз нима?» деб сўраганда, у: «Наврўз фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар, уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки Қуёш шу кунда яратилган, у замоннинг биринчи кунидир», деган.

Хавашяликларнинг айтишича, Сулаймон подшоҳнинг узуги йўқолган кун подшоҳлиги ҳам қўлидан кетган. Қирқ кундан кейин узуги топилгач, подшоҳлиги ҳам, равнақи ҳам қайтиб келган. Подшоҳлар унинг ҳузурига тўпланадилар. Шунда эронликлар «Наврўз омад», янги кун келди» деганлар. Натижада шу кун Наврўз деб аталади.

Ҳозир 21 мартдан то 3 майгача барча кунларни Наврўз оyiи деб байрам қилинади. Бу кунларда турли урф-одатларни эслаб, атроф-муҳит тозаланади, турли кўкатларни териб витаминли таомлар, буғдой ундириб, сумалаклар пиширилади. Қариндош-уруғларни ёд олиб кўришга борадилар, ота-боболарни, ўтган авлодларни хотирлаб, қабрларини зиёрат қиладилар. Беморларни Наврўз таомлари билан йўқлаб, кўнгил кўтарадилар ва шундан кейинги кунлардан дала, ишларига киришиб кетадилар.

Мусулмон давлатлари, жумладан, Марказий Осиё халқлари Милоддан аввалги III асрдаёқ Наврўз байрамини Янги йил тариқасида кенг нишонлаганлар.

Янги йил – йилнинг биринчи куни бўлиб, дунёдаги кўпгина халқларнинг энг муҳим байрамидир. Янги йилни кутиб олиш ва нишонлаш турли даврларга тўғри келган. Масалан, бизда Наврўз 21

март куни. Оврупаликлар Янги йилни 1 январда, мўғул ва хитойликлар Янги йил –цагалганни февралда нишонлайдилар.

Баҳор фаслининг кириб келишини кутиб олишга тааллуқли бўлган барча урф-одатлар орасида Янги йил – Наврўз шакл ва мазмунан алоҳида ўрин тутди. Наврўз кишиларни табиатга яқинлаштирган, инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро узвий алоқадорликни акс эттирган мусулмон халқларининг ажойиб ва ноёб маданий-маънавий меросидир.

Қуёш айна шу куни ҳаётбахш нурларини тик, яъни 90 даража бурчак ҳосил қилиб, сайёрамизнинг қоқ белига – экваторга йўналтиради. Шу дақиқаларда баҳорги кеча-кундуз тенглашади ва 22 мартдан бошлаб Қуёшнинг тик йўналган нури шимолий тропик чизиғи томон ҳаракатланади. Бу Наврўзнинг илк ва қутлуғ қадами бўлиб, табиатнинг жонланиши билан кишиларнинг ҳўжалик фаолияти ўртасида уйғунлик намоён бўлади. Жумладан, бобо деҳқон она ерга меҳр ишлов беришга киришади; табиат ўт-ўланлар, қир-адирларни гилам сингари яшил либосга бўйяди...

Наврўз мусулмон халқларининг тақвимида мустаҳкам ўрин олган энг сара байрамларидан биридир. У инсон ва табиат ўртасидаги уйғунликни англатадиган ноёб ва ижтимоий ҳамда табиий ҳодисадир. Лекин айна пайтда биз кутиб олаётган, янги йилнинг биринчи куни 1 январь тўғрисида бундай фикрни айтиш мумкин эмас, чунки бу маросим тақвимда турғунсиз бўлган сунъий, яъни кишиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ ҳолда белгиланган санадир.

Фикримизча, бу байрамни кутиб олишнинг озгина салбий ва анъанавий томони бор. У ҳам бўлса, қисқа вақт ичида турли тақинчоқ, ўйинчоқлар билан безаш мақсадида миллионлаб қимматбаҳо ихота дарахтларининг ҳануз нобуд қилиниб келинишидир. Тана учун тоза ҳавони етказиб берадиган доимий яшил дарахтларни кесиш одатини тарк қилиш вақти келди деб ўйлаймиз. Негаки авваллари арчалар

билан кўча, ҳовли ва хоналарни безаш бутунлай ёт бўлса, кейинчалик бу одат тусига айланганлиги салбий оқибатларга олиб келди. Жумладан, республикамиз тоғларини безаб турган ноёб манзарали арчазорларнинг йўқолиб кетишдан тоғларнинг яланғочланиб қолишида жорий этилган «Фармоннинг шарофати» (яъни Пётр I нинг 1699 йилнинг 15 декабрдаги Янги йил куни ҳамма жойни арча ва карағай дарахти билан безаш ҳақидаги фармони) ҳам етакчи роль ўйнайди. Айниқса, асримизнинг 60-80 йилларида маҳаллий тоғли халқ, ҳатто ёшлар ҳам фойдани ўйлаб тоғларда, кишилар гавжум бўлган кўча ва чорраҳаларда кесилган арчаларни бемалол сотар эдилар.

Янги йилни юқори, байрам кайфиятида кутиб олиш биз маҳаллий миллат вакиллари учун ҳам анъанага айланиб қолган бўлиб, янги йилни биз ҳам ўта интизорлик, зўр қувонч билан кутамиз. Айниқса, болажонлар севинчи чексиз. Фақат мусулмон халқларида дарахт экиш жуда савобли иш ва муқаддас бурч ҳисобланганлигини, ҳатто ўзбекларда «гуноҳнинг кўпайса дарахт эк» деган нақл борлигини эслаб ўтмоқчимиз холос. Бинобарин, халқимиз дарахт кесишни катта гуноҳ ҳисоблаб, ўз фарзандидек парвариш қилиб келган. Қолаверса, Наврўзда дарахт ўтказиш анъанага айланган.

2.ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ ҲАҚИДА

Қадим-қадимдан халқимиз Наврўз арафасидан бошлабоқ, ризқ-рўзимиз манбаи она ерга алоҳида меҳр билан ишлов бериб, уруғ қадаган, мевали ва мевасиз дарахтлар ўтказиш маросимлари ташкил этилган, хилма-хил тансиқ таомлар, пишириқлар тайёрланган, турли мусобақалар, ўйин-кулгулар, сайиллар ва ҳоказолар бўлиб ўтган. Дарҳақиқат, ўз халқига қайтарилган янги йил – Наврўз барчага олам-олам қувонч келтириб, маънавий озик берадиган тақвимдаги муҳрланган қадимий анъанамиздир.

Наврўз халқимизнинг она ерга бўлган муносабати, ундан эҳтиёткорона, билиб, тушуниб, ҳосилдор ерлар сифатини, экологик ҳолати, унумдорлигини сақлаш ва ошириш, кишиларда табиат ва у барпо этган эҳсонларга муҳаббат билан муносабатда бўлиш кераклигини уқтирган, тарғиб этган.

«Наврўз» деҳқонларнинг баҳорда дастлабки дала ишларини бошлашлари билан боғлиқ маросимдир. «Наврўз»нинг охири кунларида ерларни шудгорлаш, экин экиш бошланади. Худди шу ҳолатлар билан боғлиқ ҳолда «қўш-қўшиш», «қўш оши» «биринчи чигит» («Экиш сайли») каби кўплаб удумлар вужудга келган.

«Наврўз»нинг жуда катта, буюк тарбиявий хусусиятлари, одамийлик, инсонпарварлик, умумбашарий сифатларини ҳам таъкидламоқ лозим. «Наврўз» кунлари бутун халқ хушчақчақлик билан ҳордиқ чиқарган. Бунчалик умумбашарий, умрбоқий яхшиликларни тарғиб қилувчи азалий ва навқирон удумимизни ҳар қанча таъриф этсак, ривожлантирсак арзийди. «Наврўз» нафақат хурсандчилик, кулгу, хушчақчақлик билан чегараланади, айни пайтда байрам олди ва ундан кейинги кунларда кишилар ўз юмуш ва тадбирларини ҳам режалаганлар, унга маълум умид боғлаганлар. Март ойининг бошланиши биланоқ катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган қариялар янги мавсум режаларини фикрлаганлар, намгарчиликка, об-ҳавога қараб, қайси ерларга қандай экин экиш, сувни қандай бўлиш ва уни тежаб-тергаб тақсимлаш, қайси кундан бошлаб ерни ҳайдаш, чигит қадаш, от-улов, омочларни ер ҳайдашга ҳозирлаш каби кўплаб масалалар хусусида маслаҳатлашиб олганлар. Шунинг учун «Наврўз байрами 21-22 март кунлари – кун билан тун тенг келган куни Янги йил сифатида хушчақчақ ўтказиладиган байрам, деган фикр билангина чекланмаслигимиз лозим. «Наврўз» март ойининг дастлабки кунларидан бошлаб халқимиз катта тайёргарлик билан ўтказадиган баҳор байрами ҳисобланади.

Биз «Наврўз»ни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида унинг даврлар, асрлар оша бизга қадар етиб келган халқчил анъаналарини тиклашимиз, уни замонимиз, халқимиз манфаатлари, ҳаёти, мақсад-умидлари билан боғлиқ ҳолда ривожлантиришимиз лозим.

Қадимий ва навқирон «Наврўз» республикамизнинг турли шаҳарларида ўтган. Байрам давомида полвонлар, аскиячилар, қизикчилар, кўғирчоқбозлар, дорбозлар чиқиши, созанда, новазандаларнинг ўз санъатларини намойиш этишлари, халқ сайли, ўйинлари, базмлар деярли ҳамма жойда ўтказилган.

Ҳозирги «Хотира куни»да қилинадиган барча ишлар ўтмишда «Наврўз» байрами давомида, унинг узвий бир қисми сифатида амалга оширилган.

Айниқса, шаҳарларда «Наврўз» жуда катта тайёргарлик билан ўтказилмоғи лозим. Ҳар бир даҳада карнай-сурнай, ноғора садолари остида кишиларни йиғиш, миллий кийиниш, миллий рақс ва кўшиқлари, амалий санъат намуналари ва яна бошқа халқ қадриятларини, бойликларини намойиш этиш зарур. «Наврўз» байрами кунларида томоша масканларида, боғ ва майдонларда қизикчилар, масхарабозлар, ансамбллар, полвонлар, ёш хонандаларнинг чиқишларини тайёрлаш, миллий амалий санъат намуналари, хунармандлар кўрик-мусобақаларини ўтказиш лозим.

«Наврўз» – халқимизнинг яратувчанлик меҳнати билан боғлиқ, орзу-умидларини қуйлаган, унинг турмуш тарзи, маънавияти, миллий руҳини халқ ижоди усули ва услублари ёрдамида тараннум этган, халқимизнинг бой миллий санъатини, урф-одатларини ўзида сақлаган байрамдир.

«Наврўз» кунларида халқимизнинг оғзаки ижодидаги турли-туман жанрлар ажойиб шаклларда, бутун нафосати билан намоён бўлишини кўрамиз. Шулар билан бирга «Наврўз»нинг ҳозирги шароитдаги жуда катта маънавий-тарбиявий қимматини бир дақиқа ҳам

унутмаслигимиз даркор. У кишиларни, айниқса, ёшларни одамийликка, дўстликка, ўзгаларга ҳамдард бўлишга, меҳрибонликка, меҳр-оқибатли бўлишга ундайди.

«Наврўз»ни асрлар мобайнида худбин-манқуртлар, жоҳил шоҳу амирлар, баъзи ақидапараст дин пешволари-ю, бебош замона тўра ва беклари таъқиқ қилганлар. Лекин халқ дилида жо бўлган Наврўз барҳаёт ақл-идрок ила ҳар гал ғалаба қилди. Зотан, Наврўзнинг мустақиллик шабадаси эпкинида қайта тикланиши ҳам адолатнинг тантанаси, ақл-идрок ғалабасидир.

3. АЖДОДЛАРИМИЗ БИТИКЛАРИДА НАВРУЗ БАЙРАМИ

Наврўзни нишонлаш Марказий Осиёда ва қатор Шарқ мамлакатларида қадим даврда вужудга келган удум. У аста-секин шакллана бориб, маълум расм-русм, урф-одат, кундалик турмуш эҳтиёжлари заминида таркиб топиб, анъанага айланган.

Хўш, Наврўзнинг ёши нечада? Бу саволга турли жавоблар олинишининг сабаби нимада? Қатор манбаларда Нарўзнинг кўҳналиги ҳақида ривоятлар келтирилади. Энг тўла маълумотлар ва аниқ илмий хулосалар Абу Райҳон Беруний, Умар Хайём асарларида келтирилади. Кейинчалик эса Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида ҳам Наврўзнинг қадимдан байрам қилиниши таъкидланади.

Умар Хайём ҳам «Наврўзнома» асарида Наврўз нишонланиши ҳақидаги ривоятларини подшоҳ Жамшид даврига тақайди. «Жамшид шу кунни (Фарвардин ойининг боши) Наврўз аталсин, деб фармон берди ва одамларга ҳар йили Фарвардин ойи киришини байрам қилишни, уни янги йил деб ҳисоблашни буюрди», – деб ёзади Умар Хайём.

Хуллас, ривоятлардан икки хил хулоса келиб чиқади: биринчиси: Наврўз билан боғлиқ ривоятларнинг кўпи пошоҳ Жамшидга мансуб

воқеалардан иборат; иккинчиси бу ривоятларда Наврӯзни белгилашда табиат қонуниятларига амал қилингани маълум бўлади.

Наврӯз ҳақида турли маълумотлар Маҳмуд Қошғарийнинг (XI аср) «Девони луғотит турк» асарида ҳам баён этилади.

Булардан ташқари қатор ёзма манбаларда ҳам Наврӯзнинг қадимийлигига ишора этувчи талай ривоятлар мавжуд.

Мустақиллигимиз шарофати билан ўзимизга қайтган, қайтаётган барча қадриятларимиз бири-биридан азиз. Аммо Наврӯз бўлакча...

Айнан шунинг учун ҳам бизни тарих майдонидан миллат сифатида йўқотмоқчи бўлган мустабидлар Наврӯзи оламга тош отган эдилар. Негаки бу тантана миллатимизнинг дунёда минг-минг йилдан бери яшаб келаётганини исботлаб туради. Шу ўринда чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори, золим, босқинчи Скобелевнинг: **«Агарда сен бирон-бир миллатни енгмоқчи бўлсанг, аввало унинг урф-одатини, динини йўқ қил, шундагина бу миллат ўз-ўзидан тугайди ёки сенга таслим бўлади»** деган сўзларини эслашни ўзи кифоя. Биттагина сумалак аталган сеҳрли таомнинг ўзи аёлларимизнинг қурби, қодирлигидан белги эди. Қўшиқ айтиб ёмғир ёғдирган, бир-бирига яхшиликлар тилаб эшикма-эшик бойчечаклар улашган, қир-адирларни гумбурлатиб, туёғидан юлдуз сачраган тулпорларни кўпкарига солган халққа «гумроҳ, бесавод, лаёқатсиз» деган ёмон ёрлик тақиш учун миллатимиз ёвлари қора калхатлардай Наврӯзимизга панжа урдилар.

Халқнинг ҳақлиги айниқса, ҳақоратланган, ҳамиятига тегилган лаҳзаларда намоён бўлади. Ота-боболаримизнинг ғолиб руҳини, гўзал юрагини, заҳматга мойил, кўклаш, кўкариш тарафида турган кўнгли, жаҳди, азми, жазмини эслатиб турувчи бу байрамни сақлаб қолиш учун ўзбеклар тик оёққа қалққан эди.

...Ҳар қандай миллатнинг эзгулик йўлида бирлашиши яхшилик билан тугайди. Азалдан бизники бўлган Наврӯз абадга бизники бўлди.

Мана, бу қувончли сўзни яна бутун ишонч билан такрор айтаяпмиз. Яна тўлишган, тўлиққан тупроққа уруғ қадаяпмиз. Яна юртимизнинг мусаффо осмонларини тўлдириб турналар қайтаётир. Озод болалар юраги варрак шаклида парвоз қилаётир. Чирманда, най, карнай-сурнайлар элимизда уйғониш фасли бошланганини овоза қилаётир. Йўқловлар, учрашувлар, дийдорлашувлар... ва бу хуш онлар, саодатли лаҳзалар учун шукроналик...

Наврўзни шоира шундай талқин қилади: **«...Наврўзнинг удумлари кўп. Бири арғимчоқ учиш. Бу энди янада баландлайлик, қанотланайлик деганимикан зукко аждодларимизнинг? Яна бири ширинликлар улашиш... Ҳамма-ҳаммага фақат ширин нафас, ширин сўз ҳадя этайлик деганимикан бу?**

Яна бири – сув сепиш. Бунда жонланмоқ, шиддатланмоқ, шахдланмоқ фурсати етди деган даъват зоҳирмикан?

...Ҳарна бўлса-да, Наврўз бутун хотираси, ёди, кўриш, кўркамлиги, чорловлари билан бизнинг уйимиздадир.

Ишончли, эътиқодли, собит сарбони, ёруғ манзилларни кўзлаган карвони билан Сенга рўбару турган бу Ватан Ўзбекистондир».

Ташрифинг кўз устига яхшимиз, яхшилардан ёдгоримиз, муқаддас НАВРЎЗ!

Пойимга поёндоз бўлган гул-чечак,

Сени кўзларимга суртайин ўзим.

Келдингми, қўрқмасдан, ботир бойчечак,

Ростдан ҳам келдингми, ахир, Наврўзим?!

Тилга кираётир ҳар бог, ҳар оғоч,

Энди мен ичимга ютайин сўзим.

Қайтганинг ишқилиб ростми, қалдирғоч,

Айтақол, таширифинг чинми, Наврўзим?!

Наврӯз – тириклик рамзи, ҳаёт байрами. Чунки баҳор келиши билан борлиқнинг ранги, таровати ўзгаради. Иккинчи томондан, табиат неъматларининг ижодкори ҳисобланган деҳқон далага чиқади. Қадимда ҳўкизга омоч қўшилган. Учинчи бир жиҳат, бу кунда момоларимиз сумалак тўла дошқозонларни қайнатишган. Буларнинг ҳаммаси, оғоч ковагидан бош кўтарган ёки мудроқ уйқусидан уйғонган чумоли мисоли инсонларнинг қишдан сўнгги тириклиги, ҳаётидир.

Наврӯзнинг ёшини юқорида айтганимиздек, манбаларда турлича кўрсатишади, жумладан, атоқли олим Ҳоди Зариф 3000 йилдан ҳам каттароқ деб ҳисоблаган. Шунча ёшга эга бўлган байрам, албатта туркий халқлар тарихида муҳим ўрин тутди. X асрнинг буюк тарихчиси Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида ёзишча, қадимги варахшаликлар янги йил байрамини «Наврӯзи кишоварзон», яъни «Деҳқонлар наврӯзи» деб аташган. Бухоро деҳқонлари асрлар бўйи йил ҳисобини Наврӯздан бошлаб юритишган. Наршахий бухороликларнинг Наврӯз билан боғлиқ шундай мисолни келтиради:

«Сиёвуш бу ерда (яъни Бухорода) ўзидан бирон-бир ёдгорлик қолдиришни истайди. Шундай қилиб, у Бухоро Ҳисорини бино қилди ва кўпроқ вақт ўша жойда турар эди. Кимлардир у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва оқибатида Афросиёб уни ўлдиради. Ҳамда ана шу Ҳисорда, шарқий дарвозадан кираверишдаги «Дарвозаи ғуриён» деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарасига дафн этдилар. Шу сабабли Бухоро оташпарастлари ўша ерни азиз тутдилар ва унга атаб ҳар йили Наврӯз куни, қуёш чиқишдан олдин ўша жойда биттадан ҳўроз сўядилар. Бухоро аҳолисининг Сиёвуш ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари ҳам бор».

Махмуд Қошғарийнинг «Девони луғотит турк» асарида ёзиб қолдирган «Қиш ва ёз мунозараси» икки сўзамол, истеъдодли ижрочи томонидан бир-бирига зид тимсолларда гавдаланувчи асардир.

Қиш ва ёз мунозараси томошаси

Қиш билан ёз тўқнашди,

Қинғир (ёмон) кўз билан

бир-бирига қарашди.

(Бир-бирини) тутиб

олишга интилишди,

(Бир-биридан) ғолиб

келишга тиришди.

Ёз билан Қиш

қарама-қарши бўлишди,

(Уларни ҳар бири)

мақтаниш ёйини қуришди.

Қўшин тузиб, (бир-бирини)

таъқиб қилишди,

Ўқ отиш учун (бир-бирига)

яқинлашишди.¹

Парчадан бири Ёруғлик тимсоли бўлиб, оқ ёки кўк пўстин кийиб, иккинчиси қоронғулик тимсоли бўлиб қора ёки олачипор пўстин кийиб олган икки ижروحиси икки томондан пайдо бўлиб, давра айлангани, бир-бирига яқинлашгани ва ғанимларча қарашгани, сўнг бир-бирига ҳамла қилгани ва ҳар қайсиси ғолиб келишга интилгани аниқ кўриниб турибди. Бу бир-бирига душман кучнинг тўқнашувидир. Афтидан беллашувда кучлар тенг келган, қиш билан ёз бир-бирини енга олмаган. Аммо орани очиқ қилиш керак. Шу боисдан улар сўз жангига, айтишувга киришадилар. Қиш Ёзга қарши бақириб-чақириб сўз бошлайди:

¹ Н. Маллаев. «Ўзбек адабиёти тарихи» Т. 1993 й. 64-бет.

*Одамлар ва қорамоллар
Мендан қувват олади,
Касаллик камаяди.
Одамлар чиниқади...
Сенда кўпаяр чаёнлар:
Пашиалару илонлар.
Минглаб, туманлаб,
Думларини гажасак
қилиб изғишар.*

Ёз Қишга шундай жавоб беради:

*(Сенда) балчиқ ҳамма ёқни қоплайди,
Юпун кишилар заҳмат чекади.
Бармоқлари совуқ қотиб,
Оғиз ели билан
(Пуфлаб) иситадилар.
Саъва сендан қочади,
Менда тинар қалдирғоч,
Булбуллар сайрар менда
Нару мода жуфтлашур...*

Қиш ва Ёз шу тариқа бир-бири билан мунозара қилиб, ўз фазилатини айтиб мақтаниб, ғанимининг ёмон хислатларини фош этиб, уни енгишга ҳаракат қилади. Бу айтишувда Ёз баланд келади. Қиш энгилай-энгилай дейди. Аммо Қиш таслим бўлмоқчи эмас. Шунда элат оқсоқоллари уларга учинчи беллашувни — от миниб, пойга чопишни таклиф этадилар. Бу ҳам беллашувни ҳал қилмагач, ёйдан ўқ отишга тушадилар. Шундагина Ёз узил-кесил ғалаба қозонди.

Мунозара ниҳоясига етади:

Турли чечаклар очилди,

(Ерга худди) чиройли гиламлар тўшалгандай.

Жаннат ери кўринди.

Совуқ қайтмас бўлиб кетади.

Ҳамма қуш ва қуртлар тирилди...

Эвди улар қоронғу инларига кирмайди.

Икки ижрочи ёз ва қиш қиёфасида гавдаланишган, аввалида кураш тушган, сўнг айтишув қилишган, пойгада куч синашган ва пировардида камондан ўқ отишган, яъни тўрт пардали майдон томошаси кўрсатилган.

Хуллас, аجدодларимизнинг мана шундай тасаввурларидан Ёз палласининг боши ҳисобланмиш Баҳорга алоҳида меҳр кўз билан қараш ва унинг биринчи кунини беҳад шавқ-завқ, хурсандчилик билан қарши олиш одатга айланган.

Қадимий туркий қавмлар, элатлар бу кунни Йил боши деб атаганлар. Шу билан бирга зардуштийлик даврида истеъмолга кирган «Наврўз» (янги кун) атамаси ҳам ишлатила бошланган. Туркий халқларда ҳамон мазкур байрам ҳам йил боши, ҳам Наврўз деб келинади.